Гос. книжная палата УзССР 290894

Ватанни севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 25 август, пайшанба № 133 (21.737). Сотувда эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини муайян ижтимоий ҳимоялашга оид тадбирларни рўёбга чиқаришда кам таъминланган оилаларга давлат мададини, фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органларининг кенг ва фаол иштирокини кучайтириш мақсадида:

1. Қўрғонлар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларнинг фуқаролар ўз-ўзини бошқарув барча органларида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш махсус жамғармалари ташкил этилсин.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзжамғармабанк икки ҳафта муддат ичида фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органларига юридик шахс ҳуқуқи бериб, жамғарма банкининг тегишли бўлимларида махсус ҳисоб варақалари очсинлар.

2. Қуйидагилар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш махсус жамғармаларини ташкил этишнинг асосий манбалари қилиб белгилансин:

— 1994 йилнинг IV чорагига мўлжалланган республика бюджети маблағлари;

— маҳаллий бюджетларнинг маблағлари;

— бюджетдан ташқари манбалар — жамоат ва хайрия жамғармалари, корхоналар ва хўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар.

3. Қўрғонлар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллаларнинг фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органлари 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш учун ана шу жамғармалари маблағларидан ҳар ойлик тўловлар тўласинлар.

4. Бунда шу нарса белгилаб қўйилсинки,

кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қўрғон, қишлоқ, овул, шаҳарлардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғини, йиғинни чақириш имкони бўлмаганда эса қўрғонлар, қишлоқлар, овуллар кўчалари, турар жойлари, маҳаллалари фуқаролари вакиллари йиғилишининг қарорига кўра тайинланади;

моддий ёрдам пули ҳар ойда оиланинг моддий ва мулкий аҳволига қараб, унга амалдаги энг кам иш ҳақининг 1,5 дан 3 (уч) бараваригача миқдорда тўланади.

Ўз-ўзини бошқарув органларига ажратилган ва фойдаланилмаган бюджет маблағлари олиб қўйилмайди ва фуқаролар йиғини (йиғилиши)нинг қарорига биноан аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, газлаштириш ва сув билан таъминлашга, шунингдек, бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишга сарфланиши мумкин.

5. Кам таъминланган оилага моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашга оид қарор қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат, рўй-ростлик, кенг ошкоралик қоидаларига риоя этилиши, ажратилган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаб ва самарали фойдаланилиши учун мажбурий шартлар бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш учун маблағ топиш ва ундан фойдаланиш йўллари тўғрисида, ана шу маблағни қайси мақсадлар учун ажратиш ва тўлаш тартиби ҳақида қарор қабул қилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

бир ой муддат давомида шаҳарлар, қўрғонлар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларнинг жойлашишини, уларнинг чегараларини, шунингдек оилалар ва аҳоли сонини аниқласинлар;

шу йилнинг 1 декабрида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш учун ажратиладиган маблағларни тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифларни тақдим этсинлар.

7. Кам таъминланган оилаларга тўлаш учун мўлжалланган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланишини назорат қилиш шаҳсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ажратилаётган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органларининг махсус ҳисоб варақаларига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилаётганлигини, ана шу маблағлардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилаётганлигини мунтазам текшириб, тафтиш қилсин ва ҳар чоракда ҳукуматга маълум қилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари ва тадбиркорлик тузилмаларидан мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларга бутун чоралар билан қўшимча ижтимоий ёрдам берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамнинг ана шу жамғармаларига маблағ ўтказаётган хўжалик ташкилотлари учун имтиёзли солиқ солиш тартибини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 1995 йилги бюджетнинг лойиҳасини тузиш чоғида шу йилнинг IV чорагида бюджет маблағларини тақсимлаш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун зарур маблағларни ва ана шу маблағларни топиш манбаларини аниқласинлар.

10. Оммавий ахборот воситалари кам таъминланган оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида телевидение, радио орқали ва матбуотда тушунтириш ишларини фаол олиб борсинлар, фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органларининг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга сид фаолияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор қилсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри,**
**1994 йил, 23 август.**

## «КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1994 йилнинг 1 октябридан аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги тури — кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам жорий этилади.**

**Маълум сабабларга кўра жами даромади кам бўлган муайян оилаларга ёки фуқароларга моддий ёрдам олиш ҳуқуқи берилади. Булар энг аввало вояга етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар, боқувчиси қисман ўз меҳнат қобилиятини йўқотган ногирон ёки бемор бўлган оилалар, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа муҳтож оилалардир.**

**Жорий этиладиган ижтимоий ҳимоянинг бутунлай янгилиги шундан иборатки, қайси оилани кам таъминланган оила тоифасига киритиш мумкинлигини маҳалла, қўрғон, қишлоқ ёки овул фуқароларининг йиғини мустақил равишда белгилайди ва ана шу оилага моддий ёрдам тайинлайди.**

**Халқнинг ўз-ўзини бошқарув анъаналари кейинги вақтда тобора катта аҳамият касб этиб, аҳолининг кенг табақалари жамоат ва давлат ҳаётига жалб этилаётганлигини ифодаламоқда. Бугунги кунда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органлари ўз илдизлари билан ўтмиш асрларга бориб тақаладиган яна бир ғоят муҳим вазифани — муҳтож оилалар манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, уларга ўз вақтида ёрдам бериш вазифасини бажаришга даъват этилганлар. Маҳаллаларда турмуш тажрибасини орттирган доно кишилар ишламоқдалар. Маҳалла раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фаоллари ҳар бир оиланинг моддий ва мулкий аҳволини, уларнинг даромад манбаларини, қайси оилалар моддий ёрдамга муҳтожлигини яхши биладилар.**

**Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органлари кам таъминланган оилаларга ёрдам беришда аниқ маблағларга эга бўлиши учун махсус жамғармалар ташкил этишга қарор қилинди. Бундай жамғармалар жамғарма банкларида махсус ҳисоб варақалари очиш йўли билан ташкил этилади. Улар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар — корхоналар ва хўжаликлар, айрим фуқаролар ихтиёрий равишда ўтказадиган маблағлар, шунингдек, турли хайрия жамғармалари ва тадбиркорлик тузилмаларининг ажратмалари ҳисобидан ташкил этилади.**

**Ана шу мақсадлар учун фақат республика бюджетининг ўзидангина шу йилнинг IV чорагида 362 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган.**

**Кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш оғирини ижтимоий адолатга оғишмай риоя этиш, бериладиган моддий ёрдамнинг аниқ оилага мўлжалланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга айрим оилалар ва фуқароларнинг тайёрига айёрлик билан муносабатда бўлишига йўл қўймаслик сингари инсонпарварлик қондаларига амал қилиш таъминланиши зарур. Бунда оила аъзоларининг, айниқса, болаларнинг моддий таъминланиши учун оилада масъулият туйғуси ўсиши даркор.**

**Ҳар бир кам таъминланган оила ижтимоий ҳимоянинг янги давлат тизими доирасида ўзининг моддий аҳволига қараб, ойига амалдаги энг кам иш ҳақининг бир яримдан уч бараваригача миқдорда моддий ёрдам олиши мумкин.**

**Моддий ёрдам уч ойга белгиланади ва ҳар чоракда маҳалла йиғинида қайси оилага ёрдам бериш кераклиги, ёрдамни йилнинг янги чорагида қайси оилага узайтириш, қайси бирига узайтирмаслик лозим эканлиги тўғрисидаги масала янгидан кўриб чиқилади.**

**Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамнинг янги турини олиш йўллари жуда оддий. Муҳтож оила (ёки ёлғиз фуқаро) ўзининг доимий истиқомат жойидаги фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органига ёки қўрғон, қишлоқ, овул, маҳалласига моддий ёрдам бериш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилади.**

**Фуқароларнинг йиғини (йиғилиши) қабул қилган қарор асосида ҳар бир ойнинг 1 кунигача йиғин раиси (оқсоқоли)нинг котиби қўрғон, қишлоқ, овул ёки маҳалла бўйича оилаларга моддий ёрдам тўлашга қайднома тузади ва уни жамғарма банкининг тегишли бўлимига тақдим этади.**

**Аризачиларга пул истиқомат жойларидаги жамғарма банк бўлимларида ҳар ойнинг 1-кунидан бошлаб берилади.**

**Кам таъминланган оилаларга муайян моддий ёрдамнинг янги турини жорий этиш давлатимиз ўтказаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг яна бир далили бўлиб, халқнинг кенг кўламда ўз-ўзини бошқаришига асосланган ҳозирги замон фуқаролар жамиятини шакллантириш йўлида қўйиладиган янги қадамдир.**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига ва ўзбек халқига самимий қутловларимни йўллайман.

**Чуқур эҳтиром ила**
**Лансана КОНТЕ,**
**Гвинея Республикасининг Президенти**

### ГЕРМАНИЯЛИК ТАДБИРКОРЛАР ТАШРИФИ

23 август куни Германиянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Крупп Хёш Интернейшнл» компанияси бошқаруви раиси Х. Гельдмахер бошчилигидаги делегация аъзолари «Ўзозиқовқатсаноат» Ўзбекистон Давлат акционерлик концернида меҳмон бўлди.

Германиялик тадбиркорлар концерн раҳбарлари билан ёр-мой ва чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек, озиқовқат саноати корхоналарига эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Келгусида эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуриш ҳақидаги таклиф кўриб чиқилди.

Шу куни меҳмонлар «Ўздонмаҳсулот» Давлат акционерлик корпорацияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа муассасаларда ҳам бўлдилар.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК XI пленуми қарори*

## МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

**Аввал хабар берганимиздек, яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XI пленуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари муҳокама этилди. Қуйида ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарор баёнини диққатингизга ҳавола этамиз.**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилингандан буён мамлакатимизда туб ўзгаришлар рўй берди, дейилади қарорда. Ўтган уч йил мобайнида Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг, ўтиш даврига доир беш тамойилнинг тўғрилиги исботланди. Юртимизда ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, қудратли, маданий-маърифий, демократик давлатни бунёд этиш учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

Шу давр ичида истиқлол туфайли майдонга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўсиб-улғайди. Ўзининг жозибадор дастурий ғоялари, амалий ишлари билан элга танилди, жамиятимиз сиёсий тизимидаги ўрнини топди.

Шу билан бирга янги жамиятни қуриш жараёнида турли қийинчилик ва муаммолар ҳам учраётганлиги пленумда таъкидлаб ўтилди.

Пленум Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг халқчил ички ва ташқи сиёсатини, унинг ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган амалий фаолиятини қўллаб-қувватлади.

Ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, ташаббускор бўлиш, самарали ишлар билан бошқаларга намуна кўрсатиш ва ниҳоят, мамлакатимизда рўй берадиган туб ўзгаришларнинг асл моҳияти ва тақдириломон аҳамиятини кенг тушунтириш партиямиз ҳар бир аъзосининг бурчи эканлигини пленум яна бир бор уқтириб ўтди. У маҳаллий партия кенгашларига мазкур мақсадларда Ўзбекистон ХДП Дастури, Миллий истиқлол мафкураси, республика Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг маслаҳат ва кўрсатмалари асосида оммавий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ва ташкилотчилик ишларини тараққиётимиз янги босқичи талаблари даражасига кўтаришни, шунингдек, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўришни, ўз фаолиятларини танқидий таҳлил қилиб, камчилик ва қусурларни бартараф этишни тавсия қилди.

Пленум Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми ва бўлимларига маҳаллий ташкилотларимизга сиёсий, мафкуравий фаолият савиясини ошириш, партиявий-ташкилий ишларни яхшилаш, ишлаб чиқариш-молия соҳасидаги камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатишни кучайтиришни топширди.

Пленум «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятлари партия ҳаётини, хусусан ХДП маҳаллий ташкилотларининг мамлакатимиз мустақиллигининг иқтисодий, маънавий, сиёсий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини мунтазам ёритиб боришлари, мақола, хабар, мусоҳабаларнинг сермазмун ва мафтункор бўлишига алоҳида эътибор беришлари зарурлигини кўрсатиб ўтди.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## 1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИ ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, пахта ҳосили йиғим-теримини қисқа муддатларда уюшқоқлик билан ўтказиш, пахтакорларнинг пахта ялпи ҳосилини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашдан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Моддий-техникавий базани пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёрлашни ўз вақтида тугаллаш ва йиғим-терим мавсумини муваффақиятли ўтказиш, техникадан тўлиқ фойдаланиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг, республика деҳқончилик саноати мажмуи вазирликлари ва идораларининг энг муҳим вазифаси ҳисоблансин. Пахта ҳосилини машинада териш топшириғи белгилансин.

2. Пахта ҳосили йиғим-теримида моддий рағбатлантиришларни кучайтириш учун хўжаликларга пахта ҳосили терими учун қуйидаги миқдорларда ҳақ тўлаш тавсия этилсин:

Икки қаторли пахта териш машинаси билан терилган кондицион ваздаги бир тонна пахта ҳосили учун — камида 8,0 сўм, тўрт қаторли машинада терилгани учун — 6,5 сўм, қўлда терилган 1 килограмм пахта ҳосили учун — камида 40 тийин.

Йиғим-терим ишларида банд бўлганлар билан ҳисобкитоблар ҳар беш ва ўн кунда ўтказилсин.

Марказий банк, «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк» теримчилар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун хўжаликларни нақд пул билан таъминласинлар.

3. 1994 йилги пахта ҳосилининг сорти ва типлари бўйича харид нархлари (бир тонна пахта толаси учун 3750 сўм ҳисобидан) тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддатда пахта ҳосилининг янги харид нархлари прейскурантларини нашр этсин ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, давлат буюртмасидан ортиқча ишлаб чиқарилган пахта толаси, линт, ўлик пахта ва чигит (топшириқдагининг 33 фоизи ва топшириқдан ортиқчасининг ҳаммаси) эркин бозор нархлари бўйича хўжаликлар томонидан мустақил равишда сотилади. Ушбу маҳсулотларни эркин сотиш ҳуқуқи фақат пахта тайёрлаш ҳажми ва сифати бўйича топшириқларни бажарган хўжаликларга берилади.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қаюмов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари «Ўзкимёсаноат» уюшмаси билан биргаликда хўжаликларга дефолиантлар етказиб беришни ҳамда ғўзалар дефолиациясини белгиланган ҳажмларда ва муддатларда ўтказишни таъминласинлар.

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (Рафиқов) «Ўзагрокимёсервис» уюшмаси талабномаларига биноан ғўзаларни дефолиация қилиш учун зарур миқдорда самолёт ва вертолётлар ажратсин, зарур ёнилғи заҳиралари ташкил этсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қаюмов), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминот т у з а т и ш» (Ҳусанов) шу йилнинг 1 сентябригача пахта йиғим-терими техникаси, юклаш-ташиш воситаларини тўлиқ тайёрласинлар, йиғим-терим-транспорт отрядларини механизаторлар ва тузатувчи-хизмат кўрсатувчилар билан таъминласинлар. Хўжаликларда ва тузатиш корхоналарида двигателлар, узеллар, агрегатлар, бошқа зарур материалларнинг алмаштириш фондлари ташкил этилсин.

8. «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Собиров):

«Ўзқишлоқхўжаликтаъ м и н о т т у з а т и ш» талабномаларига мувофиқ ва хўжаликлар билан тўғридан-тўғри алоқалар бўйича эҳтиёт қисмлар ва техника етказиб беришни таъминласин;

Пахта йиғим-терими мавсуми даврида машинасозлик корхоналари кучи билан, шартномалар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари хўжаликларига ҳамда тузатиш корхоналарига техникавий ёрдамни ташкил этсин.

9. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси (Тожиев) белгиланган лимитлар ҳисобидан 1994 йилнинг сентябрь-ноябрида қишлоқ хўжалигига йиғим-терим ишларини узлуксиз ўтказишни таъминлайдиган ҳажмларда ёнилғи-мойлаш материалларни етказиб беришни амалга оширсин.

10. Ўзбекбирлашув, «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси, «Ўзозиқовқатсаноат» концерни қишлоқ аҳолисини ва пахта йиғим-терими қатнашчиларини ун, гуруч, қандшакар, ўсимлик ёғи, бошқа энг зарур товарлар билан белгиланган тартибга мувофиқ таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этсинлар.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Каримов) йиғим-терим мавсумининг барча қатнашчиларига тиббий хизмат кўрсатишга доир зарур чора-тадбирларни кўрсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги арафасида қувончли хабар тарқалди. Мамлакатимизнинг жанубий туманларида пахта терими бошланди. Шунисси қувончлики, мавсум арафасида республикамиз Президентининг «Қишлоқ хўжалиги соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва эркинлик бериш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.**

**Пахтакор туманидаги «Навбаҳор» ижара ширкат бирлашмаси пахтакорлари ҳам бу Фармонни қувонч билан кутиб олишди. Зеро чўлда меҳнат қилаётган одамларнинг манфаатдорлиги янада ошиши кўзда тутилган. Райҳон Ҳакимов етакчилик қилаётган бўлим деҳқонлари бу йил пахтадан мўл ҳосил кўтариб, ўз даромадларини янада кўпайтиришга ҳаракат қилаётирлар. Пахта ҳам кутилгандек мўл бўлди. Шу боис бўлим аъзолари ҳар гектар ердан 22 центнер ўрнига 25 центнердан энедроқ маҳсулот олишни кўзда тутишмоқда.**

**СУРАТДА: бўлим бошлиғи Райҳон Ҳакимов (ўртада) ишчилардан Рашид Умаров ва Умар Хидиров билан ҳосил чўтини чамалашмоқдалар.**

**Умарали ҚУШВОҚОВ олган сурат.**

# МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

***Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВнинг МК XI пленумида 1994 йил 22 августида қилган маърузаси***

Ўртоқлар!

Бугунги пленум халқимиз, давлатимизнинг энг катта байрами — Мустақиллик кунининг уч йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтмоқда. Унга тайёргарлик кўриш жараёнида шаҳару қишлоқларимизда турли байрам тадбирлари ўтказилиши билан бир қаторда босиб ўтилган йўлга таҳлилий назар ташланмоқда, қилинган ишлар сарҳисоб этилмоқда ва олдимизда турган вазифалар аниқланмоқда.

Тарих ўлчамлари билан қараганда уч йил вақт уммонида кичик заррадир. Бу муддат ичида катта бир мамлакат миқёсида жиддий ўзгаришлар ясаш ўта мураккаб иш. Бунинг устига, бизга эски тузумдан иқтисодий танглик, ижтимоий адолатсизлик, сиёсий лоқайдлик, маънавий ўпирилиш ва бошқа жиддий қийинчиликлар мерос бўлиб қолган бўлса...

Аммо, ҳаётда шундай пайтлар, тарихда шундай даврлар бўладики, ундаги ҳар бир кун ўз моҳияти билан йилларга, ҳар бир йил эса асрларга тенг бўлади. Ҳеч муболағасиз, мамлакатимиз ўз тарихининг ана шундай босқичини ўтаяпти.

Истиқлолга эришиб, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат, деб эълон қилингандан кейин мамлакатимиз қайси йўлдан боради, тараққиётнинг жаҳон амалиётида маълум бўлган қайси андозани танлайди, деган саволларнинг пайдо бўлиши табиий бир ҳол эди.

Бугун мустақил Ўзбекистон ўз тарихий тажрибаси ва жаҳон илғор амалиётига асосланган, халқимиз манфаатлари ва асрий орзу-умидлари, нурли истиқболига тўла мос бўлган, унинг салоҳияти ҳамда имкониятларини ҳисобга олган тараққиёт йўлини танлади ва шу йўлдан қатъий бормоқда.

Бу — бизнинг том маънодаги катта ютуғимиздир. Зеро, гап 23 миллионли халқимизнинг, минг йиллик хўжна тарихга эга мамлакатимизнинг тақдири, яқин келажаги ва истиқболи устида бормоқда. Мўлжал тўғри олинган, вазифалар унга мос белгиланган, кучлар тўла сафарбар этилган жойдагина нуқсонлар кам бўлиши, мақсадга тезроқ эришилиши маълумдир. Шунинг учун ҳам биз республикамиз раҳбариятининг ушбу тақдириломон масалада қилган хизматларига тўғри, ижобий баҳо берсак адолатдан бўлади, деб ўйлаймиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар рўйхатини, энг аввало, миллий давлатимиз пойдеворини қуриш томон қўйилган қадамлар очади. Биз бу масалада «янги уйни қурмай, эскисини бузма», деган пурҳикмат ибора қабилида иш тутиб, мустабидчилик тузумига хизмат қилиб келган эски давлат устунларини янгилари билан қадам-бақадам алмаштириш йўлини тутдик. Ёш мустақил давлатлар орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда президентлик бошқарув усули жорий қилинди. Марказда кучли қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият, жойларда эса ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш тизими шакланди. Вазирлар Маҳкамаси, турли вазирликлар қайта тузилди, иқтисодиётни бошқариш мақсадида ташкил этилган вазирликлар ўрнини концернлар, ассоциациялар каби бозор муносабатларига тааллуқли идора ва муассасалар эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси ва ўнлаб қонунлар қабул қилиниб, миллий давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилмоқда. Мустақил давлатимиз ўз миллий рамзлари — Байроғи, Герби, Мадҳиясига эга бўлди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлатни бунёд этишнинг муҳим белгиси — фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиялилик шакланмоқда. Партиямиз Раиси И. А. Каримов ана шундай демократик асосда ўтказилган умумхалқ сайловларида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди.

Албатта, сиёсий ислоҳотлар ҳали тугалланганича йўқ, у тобора чуқурлашиб, ижтимоий тузумимиз эса такомиллашиб бормоқда. Муҳолифларимиз ва айрим хорижий жаноблар «Ўзбекистонда демократия йўқ, инсон ҳуқуқлари бузилмоқда», деб жар солиб, шошилмаяптимиканлар?

Жаҳон тажрибасидан маълумки, демократик жамиятни қуриш узоқ муддатли жараён бўлиб, унда давлат идоралари билан бир қаторда фуқароларнинг ҳам онгли равишдаги фаол иштирок этишлари талаб этилади. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, айни мана шу йўлдан борилган тақдирдагина ҳақиқий демократик давлатни барпо этиш мумкин.

Сиёсий мустақиллик иқтисодий мустақилликсиз узоққа боролмайди, ўзини истиқболсиз қилиб қўяди. Чунки, у пойдеворсиз бинога ўхшаб қолади, ҳатто бирон-бир арзимаган турткидан қулаб кетади. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбарияти мустақиллик эълон қилинган биринчи кунлардан бошлаб истиқлолимизнинг мустаҳкам иқтисодий пойдеворини бунёд этиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Сир эмас, эски тузумдан бизга бир томонлама ривожланган — хом ашё етказиб беришга мўлжалланган иқтисодиёт ва уни бошқаришнинг маъмурий-қўмондонлик усули мерос бўлиб қолди. Устига устак собиқ Иттифоқ давридаги хўжалик алоқалари емирилди ва оқибатда халқ таъминоти бирмунча ёмонлашди.

Ана шундай шароитда мамлакатимиз раҳбарияти кучли, замонавий иқтисодиётни вужудга келтиришнинг синалган воситаси — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзимизга хос йўлини танлади. Бу йўлнинг бош хусусияти бозор муносабатларига ларзаларсиз, «карахт қилиб даволаш» усулисиз ўтишда мамлакатимизнинг миллий, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олишдир. Айрим мамлакатлар қўллаган ушбу усул меҳнаткашларга қанчалик оғир тушишини ҳаётнинг ўзи намойиш этаётган бир пайтда айнан мана шундай йўлдан бориш, юмшоқ қилиб айтганда, оддий кишилар тақдири тўғрисида қайғурмасликдан бошқа нарса эмас.

Ўтиш даврининг республикамиз раҳбарияти ишлаб чиққан беш тамойилларидан бири — бозор муносабатларини аста-секинлик билан шакллантириш бўлса, улардан яна биттаси — давлатнинг бош ислоҳотчилигини тан олишдир. Ана шу қоидаларга тўла риоя қилаётган ҳукуматимиз ўз ҳудудимиздаги барча табиий бойликларни давлат тасарруфига олиб, улардан халқ манфаатлари йўлида фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда. Иқтисодий ислоҳот мамлакатимиздаги барча ўзгаришларнинг устивор йўналиши, деб эълон қилиниб, унинг режа ва дастурлари ишлаб чиқилди.

Уларга кўра, дастлаб мамлакатимизда ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш, халқ хўжалигини бошқаришнинг иқтисодий усулларига ўтиш, турли мулк шаклларининг, шу жумладан, хусусий мулкнинг бошқа шакллардаги мулк билан тенглигини таъминлаш эди.

1993 йилнинг охирларига келиб уй-жой, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида давлат мулкининг аксарият қисми хусусийлаштирилди.

Қишлоқда давлат хўжаликларининг кўпчилиги мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. Колхоз ва совхозлар негизида ширкатлари, ҳиссадорлик жамиятлари, уюшмалар ташкил этилди. Фермерлик ҳаракати ривожланмоқда.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлардан бош мақсад — иқтисодий мустақилликка эришиш орқали халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигини оширишдан иборатдир. Ҳар қандай ўтиш даврида кўпгина муаммолар, шу жумладан, иқтисодий қийинчиликлар бўлиши табиий эканлигини биз кундалик турмушда кўриб турибмиз.

Республикамиз раҳбарияти аҳолини, айниқса унинг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини мунтазам кўриб келмоқда. Маошлар, нафақалар ва стипендияларнинг доимий равишда оширилиши, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оилаларга, етим-есирларга берилаётган имтиёз ва моддий ёрдам, оналик ва болаликни муҳофаза этишга доир фармонлар ва дастурларнинг амалга оширилаётганлиги, «Соғлом авлод учун» ордени ва халқаро жамғармасининг таъсис этилиши, меъёрланган озиқ-овқат учун давлат дотацияси бериб турилиши, шунга ўхшаш кўпгина бошқа тадбирлар республикамиз Президенти, ҳукуматимизнинг халқ тўғрисида амалда ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатувчи жиддий далиллардир.

Ислоҳотлар Ўзбекистонда барча жабҳаларда пухта ўйлаб ўтказилмоқда. Буни нафақат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий, балки маънавият соҳасида ҳам туб ўзгаришлар бўлиб ўтаётганида кўришимиз мумкин. Мустақиллик шарофати билан кўп йиллар давомида топталган, камситилган қадриятларимиз қайта тикланмоқда, серқирра, сержило, сермазмун маданий меросимиз, жаҳон илму фанига бебаҳо ҳисса қўшган, тарихда чуқур из қолдирган буюк аждодларимизнинг муборак номлари халқимизга, демакки, бутун башариятга қайтарилмоқда.

Ёш давлатимиз иқтисодий қийинчиликларга қарамай маориф, олий таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш каби инсон учун ўта муҳим соҳаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, жаҳон андозалари даражасига кўтариш чораларини кўрмоқда. Халқ таълими, олий ўқув юртлари тизимини ислоҳ қилиш, назарий фанни қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, санъаткорлар, адиблар, олимлар, педагоглар, тиббиёт ходимларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ана шу ишларнинг асосий йўналишларидир.

Президентимизнинг Фармонига мувофиқ республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг тузилиши шу соҳада қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Унинг даъватига жавобан партиямиз Миллий истиқлол мафкураси ишлаб чиқилди. Лўнда қилиб айтганда, мамлакатимизда маънавий янгиланиш жараёни тобора кучаймоқда.

Маълумки, И. А. Каримовнинг ташаббуси билан республикамизда жиноятчилик, қонунбузарликнинг барча кўринишларига қарши аёвсиз кураш олиб борилмоқда. Албатта, жамиятга, унинг туб негизларига катта зиён етказувчи бу ғайриинсоний иллатларнинг илдизларини, пировард натижада, иқтисодиётнинг қай тусдалигидан, кечаги кундан бизга мерос қолган ҳаёт тарзимиздан излаш тўғри бўлади. Шу билан бирга, ахлоқсизлик, жиноятчиликнинг сабаб ва оқибатларини тахлил ва тадқиқ қилиш, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб бериш маънавиятнинг, илм-фаннинг вазифасидир. Дарҳақиқат, модомики, одам ижтимоий моҳитнинг маҳсули экан, демакки, худди мана шу ижтимоий моҳитнинг ўзи, аввалambор, инсонийлашган, яъни инсоний асосларда қурилган бўлмоғи лозим. Иқтисодий муносабатлар мазкур моҳитнинг пойдеворини ташкил этади. Масалага ана шу тарзда ёндошганда жиноятчиликка ва бошқа иллатларга қарши курашнинг самарали бўлишига ишончимиз комил.

Ўтган уч йиллик давр мобайнида қилинган самарали ишларимиздан яна бири — мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини шакллантириш ва уни амалиётга айлантиришдир. Давлатимиз учун мутлақо янги бўлган ушбу ўта муҳим, аммо мураккаб соҳада мамлакатимиз раҳбарияти муваффақият билан ҳаракат қилмоқда ва бу жабҳада маълум тажриба тўплади. Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари давлатимизни расман танидилар, биз билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантирмоқдалар. Тошкентда ўнлаб хорижий ваколатхоналар очилди. Республикамиз нуфузли халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Унинг ташқи сиёсати минтақамизда тинчлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни қарор топдиришга қаратилган.

Ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Республикамиз Президентининг хорижий мамлакатларга расмий ташрифлари ва олиб борган музокаралари натижасида давлатлараро ва чет эл фирма ҳамда банклари билан қатор ҳужжатлар имзоланди, савдо-иқтисодий соҳаларида ҳамкорлик қилинмоқда, қўшма корхоналар ташкил этилмоқда, Америка, Англия, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Италия, Голландия, Хитой, Исроил компанияларининг сармоя, техника ҳамда технологияси асосида тузилган юзлаб қўшма корхоналар саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқара бошладилар. Ушбу корхоналарда юқори сифатли моллар тайёрланиши билан бир қаторда минглаб кишилар ишлаш ва ўз малакаларини ошириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Ўзбекистон яқин хориж, деб номланган Ҳамдўстлик давлатлари ва ўзининг жанубий қўшнилари билан ҳам яхши муносабатлар ўрнатди. Шу ўринда ҳукуматимизнинг фаол саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиёда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон таркибида ягона иқтисодий макон вужудга келаётганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ушбу тадбир нафақат ҳозирги қийин иқтисодий шароитда, балки келажакда ҳам катта аҳамиятга эга бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Ушбу масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, Марказий Осиё иқтисодий макони барча давлатлар учун очиқ ва у Ҳамдўстликка қарши тузилгани йўқ. Аксинча, республикамиз унинг имкониятларидан Ҳамдўстликни мустаҳкамлаш учун фойдаланиш тарафдоридир ва шу соҳада қўплаб таклифлар киритган.

Ўзбекистон раҳбарияти Ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бермоқда. Президентимиз бошчилигидаги давлат делегациясининг шу йил Москвага ташрифи пайтида Россия билан Ўзбекистон ўртасида иқтисодий, маданий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Мамлакатимиз биродаркушлик уруши гирдобига тушиб қолган қондош-жондош Тожикистонда тинчликни қарор топдириш, қардош тожик халқига уруш оқибатларини тезроқ бартараф этишга холисона ёрдам кўрсатмоқда. Биз жанубий қўшнимиз Афғонистонда ҳам тезроқ тинч ҳаёт ҳукмрон бўлишини, бу мамлакат билан дўстона муносабатлар ўрнатишни истаймиз.

Давлатимиз бошлиғининг минтақамиз хавфсизлиги масалалари юзасидан Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий семинарини таъсис этиш ва наркобизнесга қарши биргалашиб курашиш ҳақидаги таклифлари чет элларда юқори баҳоланмоқда. Хуллас, ёш давлатимиз халқимиз манфаатларига мос ташқи сиёсатни оғишмай амалга ошириб, дунёда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларимиз қанчалик кўп ва самарали бўлмасин, бу — содир бўлиши лозим бўлган ўзгаришларнинг бошланишидир. 1994 йилда иқтисодий ислоҳотлар янги босқичга ўтди. Президентимизнинг жорий йилнинг 21 январида қабул қилган Фармони унга асос солди.

Ушбу босқичнинг асосий мазмуни — иқтисодий эркинликни кенгайтиришдир. Эндиги вазифа — хусусийлаштиришни давом эттириш, ишбилармонлар, хусусий мулк эгалари ва хорижий сармоядорлар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат.

Иқтисодиёт соҳасидаги барча ўзгаришларнинг замирида мулк ва унга эгалик масаласи борлигини унутмаслик керак. Умумдавлат, жамият мулки, деб ҳисобланган мулк аслида ҳеч кимники, эгасиз эди. Шу сабабдан унга ва меҳнатга муносабат ҳам ўзига яраша, яъни хўжакўрсинга бўлиб, натижалар ҳеч кимни қаноатлантирмас эди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти — давлат мулкининг талайгина қисмини хусусийлаштириш, жамоавий ва хусусий мулкни шакллантириш йўли билан одамларни самарали ишлашга рағбатлантириш, уларнинг мулка, меҳнатга, бир-бирларига муносабатини тубдан ўзгартиришдир. Фаровонликка эришишнинг бошқача йўли ҳали ихтиро этилмаган.

Ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан миллий валютамизни жорий қилиш ва унинг мавқеини мустаҳкамлаб боришга боғлиқдир. Миллий пул ҳам мустақил давлатнинг рамзи, унинг арконларидан биридир. Умуман, миллий пулсиз мустақил давлатнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, ҳар қандай пул ҳам қадр-қимматли бўлавермайди. Тез-тез қадрсизланиб, синиб турган пуллар иқтисодиётнинг ожизлигидан дарак беради ва меҳнаткашларга кўп зиён етказади. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, республикамизда миллий валютани жорий қилишга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилди. Шу йилнинг 1 июлидан сўмимизнинг муомалага киритилиши билан бир қаторда унинг харид қадрини мустаҳкамлаш, эркин айланишини таъминлашга қаратилган тадбирий чоралар кўрилди.

Айни пайтда сўмимизнинг куч-қуввати, биринчи навбатда, замонавий иқтисодиётни вужудга келтиришга, ишлаб чиқаришни кескин кенгайтиришга, истеъмол бозорини моллар билан тўлдиришга боғлиқлиги сир эмас. Ушбу ҳақиқатни ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир фуқаро қанчалик тезроқ англашига ёрдам берсак, иқтисодий қийинчиликларни енгиб чиқиш шунча енгил кўчади.

Мамлакатимизда содир бўлаётган тарихий ўзгаришлар туфайли жамиятдаги илғор кучларни бирлаштириш, мустақиллик ғояси асосида уларни сиёсий жиҳатдан уюштириш зарурати туғилди. Чунки, демократик жамият учун шундай, аввалambор, сиёсий ташкилотларнинг бўлиши ҳаётий зарурратдир. Одамлар уюшишларининг олий шакли — жамиятнинг илғор кишиларини бирлаштирувчи сиёсий партиялардир. Шундай мақсадлар ила 1991 йил ноябрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллигимиз фарзанди сифатида майдонга чиқди. Баъзилар тушунмасдан, сиёсий рақибларимиз эса онгли равишда, яъни бизга халақит бериш мақсадида, партиямизни ёмон отлиққа чиқаришга, «эски тос, эски ҳаммом», деб бизга туҳмат тошларини отишга ҳаракат қилдилар. Аммо, вақт ўтиши билан халқнинг ўзи ким ҳақиқ ким ноҳақ эканлигини билиб олди.

Партиямиз нисбатан қисқа муддат ичида оёққа турди, жамиятимизда ўз ўрнини топди, мамлакатимизнинг нуфузли сиёсий кучига айланди. Ҳозирги кунда унинг ташкилотлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларидаги барча шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа хўжаликлари, маҳаллаларда тузилган бошланғич ташкилотларимизнинг умумий сони 12 ярим мингтадан ошди. Улар ўз сафларида 370 минг нафардан зиёдроқ зиёлилар, деҳқонлар, ишчилар, хизматчилар, фахрийлар, ёшларни бирлаштириб турибдилар.

Сафдошларимизнинг 15 фоизини халқ таълими, маданият, олий таълим ва фан соҳаларининг ходимлари — олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, профессор-ўқитувчи, илмий тадқиқот муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари ташкил этадилар. Демак, партиямизнинг катта ақлий салоҳияти, илмий-маърифий имкониятлари мавжуддир. Бунинг аҳамияти Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишда яна бир бор яққол билинди.

Партиямиз аъзолари давлатимизни идора қилиш, халқ хўжалигини бошқаришда фаол иштирок этмоқдалар. Мамлакатимиз Президенти, республика Олий Кенгаши, вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатларининг кўпчилиги, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, корхона, хўжалик, муассасалар раҳбарларининг аксарияти — Ўзбекистон ХДПнинг аъзоларидир.

Жамиятимизда шаклланаётган янги ижтимоий қатламнинг кўплаб вакиллари — ишбилармонлар, тадбиркорлар, фермерлар ҳам ўз тақдирларини бизнинг партиямиз билан боғламоқдалар.

Кейинги пайтларда сафларимизга ёшларни, зиёлиларни, хотин-қизларни кўпроқ қабул қилиш, маҳаллаларда бошланғич ташкилотларимизнинг шахобчаларини кенгайтириш, ҳудудий ташкилотларни тузишга эътиборни ошириш орқали партиямизнинг аҳоли барча табақаларига таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Партиямизнинг бугунги обрў-эътибори, биринчи галда, унинг амалий ишларининг, халқ дарди билан яшаб, унинг манфаатлари йўлида астойдил хизмат қилаётгани натижасидир. Айни замонда, бунга маҳаллий ташкилотларимиз, минглаб тарғиботчи ва ташвиқотчиларимиз, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва бошқа нашрларимиз томонидан дастурий ғояларимиз, жорий сиёсатимизни кенг тушунтириш туфайли эришилмоқда.

Эндиликда, ислоҳотларнинг янги босқичи Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, партиямизнинг жойлардаги ташкилотлари олдига қатор вазифаларни қўймоқда.

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда бевосита ва фаол иштирок этиш. Бунинг учун биз, аввалambор, раҳбариятимизнинг унга доир йўлини, Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашимиз даркор. Уларнинг моҳияти ва тақдириломон аҳамиятини шаҳару қишлоқ аҳлига яхшилаб тушунтиришимиз, қолаверса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик ва қўшма корхоналарни ташкил этиш ҳамда фермерлик ҳаракатида Ўзбекистон ХДП аъзоларининг иштироки, ташаббускорлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу ердаги яна бир муҳим вазифа — кишилар онгини боқимандачилик, текисчилик, тақсимчилик руҳиятидан ҳоли қилишга, янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришга кўмаклашишдир. Наманган, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Фарғона вилоятларидаги маҳаллий партия ташкилотларимиз бу соҳада муайян тажриба тўпланган. Улар ўз кучлари ёки ҳокимликлар билан биргаликда иқтисодий мавзуларда семинарлар, конференциялар ўтказмоқдалар, плакатлар чиқармоқдалар, илғор тадбиркорлар, фермерларнинг амалий ишларини оммалаштирмоқдалар.

Иккинчидан, жамиятни маънавий янгилаш, мустабидчилик, мутеълик мафкураси қолдиқларидан холи бўлишда халқимизга ёрдам кўрсатиш зарурдир. Айни пайтда, ҳар бир фуқаро, хусусан, ёшларимиз онгига она-Ватанга меҳр-муҳаббат, унинг нурли келажагига комил ишонч, меҳнатсеварлик, дўстлик, тадбиркорлик фазилатларини сингдириш катта аҳамиятга моликдир.

Биз Марказий Кенгашнинг ўтган пленумида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаган эдик. Бугун яна бир марта йигит-қизларимизнинг бир қисми носоғлом йўллар билан пул топиш, бойлик ортириш йўлига кириб, илм олиш, ихтисосли, маданиятли бўлишни эсдан чиқараётганлигига диққатингизни тортмоқдамиз. Афсуски, ёшларнинг ота-оналари, жамоатчилик уларнинг келажаги тўғрисида бош қотирмаяптилар. Ахир, буюк Ўзбекистонни бунёд этиш, уни бошқариш, унда яшаш биринчи галда, бугунги ёшларнинг вазифаси, орзу-умидлари эмасми? Уларни шу улуғвор мақсад учун тайёрлаш — ёши улуғларнинг, фахрийларимизнинг, жумладан, партиямиз аъзоларининг юксак ватанпарварлик бурчидир.

Мамлакатимиз аҳолисининг таркиби кўпмиллатлилик хусусиятига эгадир. Шундан келиб чиқиб, биз Ўзбекистонда барча миллат ва элат вакиллари учун тенг, энг қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ишига ҳисса қўшишни ўзимизнинг муҳим дастурий мақсадимиз қилиб қўйганмиз. Бундан юртимизда яшаётган барча миллатларнинг қарор топган тотувлиги, қардошларча ҳамкорлигини кўз қорачиғидай асраш ишига муносиб ҳисса қўшиш зарурати келиб чиқади.

Ушбу вазифаларни уддалаш учун бизда барча имкониятлар: қулай ижтимоий-сиёсий вазият, Ўзбекистон ХДПнинг мафкуравий дастури, партиямизнинг ақлий салоҳияти мавжуд. Фақат ушбу омиллардан самарали фойдаланиш, Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш механизмларини ишга сола билиш керак. Оммавий-сиёсий ишларимизнинг савиясини оширишда партия маҳаллий кенгашлари тузилмаларида мафкура бўлимларининг ташкил этилиши муҳим омил бўлмоғи керак. Бироқ, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўмининг тегишли қарори жойларда суст бажарилмоқда.

Ваҳоланки, олдинда бизни янги жиддий синов — Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар кутмоқда. Тарғибот ва ташвиқот ишларини мувофиқлаштирувчи тузилмалар бўлмаса, уларга малакали мутахассислар жалб этилмаса, сайловларда қандай қилиб ғалаба қозонишимиз мумкин?

Учинчидан, яқин келажакда партиямиз олдида турган энг катта вазифа — бўлажак сайловларга тайёрланиш ва тегишли қарор қабул қилинишидан кейин сайловолди мавсумини юксак сиёсий ва ташкилий даражада ўтказиш бўлмоғи керак. Айрим маҳаллий ташкилотларимизнинг раҳбарлари ҳозиргача буни тўла тушунганлари йўқ. Уларнинг бўлажак сайловлар тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлмаганликларини қандай тушуниш лозим? Тегишли хулосалар ҳозир чиқарилмаса, кейин кеч бўлади.

Тўртинчидан, тараққиётимизнинг ҳозирги масъулиятли босқичида партиявий-ташкилий ишларни кучайтириш талаб қилинади. Кўпчилик партия кенгашлари бу масалаларга муттасил эътибор бериб келмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон ХДП сафларига киришни истовчилар билан ишлаш ва уларни қабул қилиш Андижон, Наманган, Навоий, Қорақалпоғистон Республикасида анчагина яхшиланди. Шу билан бирга, бир қатор шаҳар ва туман партия ташкилотлари 1994 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ХДП сафларига янги аъзоларни қабул қилишни ўтган йилдагига нисбатан камайтириб юбордилар.

Ёшларни партия сафларига жалб қилиш бу йил республика бўйича 6 фоизга кўпайди. Лекин, Тошкент шаҳри, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида бунинг тескариси бўлди. Навоий, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида эса хотин-қизларни партиямиз сафларига қабул қилишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Ҳудудий партия ташкилотларини тузиш, партиявий интизомни мустаҳкамлаш ва молиявий аҳволни яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлган аъзолик бадалларини йиғиб олиш масалаларида ҳам камчиликлар оз эмас. Бу масалалар юзасидан муҳокамалар, баҳс-мунозаралар қилиш вақти ўтди. Амалий ишлар билан аҳволни ўнглаш пайти келди.

Ўртоқлар! Мамлакатимиз, жамиятимиз, партиямиз олдида турган барча масалаларни ҳал этишнинг бош омили — кадрлар, хусусан, раҳбар ходимлар муаммосидир. Президентимиз, партиямиз Раиси И. А. Каримов ўзининг нутқ ва маърузаларида ушбу масалага бизнинг диққатимизни қайта-қайта жалб этмоқда. Бу бежиз эмас.

Сиёсий жиҳатдан етук, маънавий-ахлоқий жиҳатдан пок, ислоҳотлар йўлига, миллат, Ватан манфаатларига содиқ, ўз ишини яхши биладиган, ташкилотчилик, одамларни ўз ортидан эргаштириш қобилиятига эга, янгиликка ташна, халқни деб елиб-югурадиган, эл-юртимиз учун астойдил, беминнат хизмат қиладиган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган кишилар раҳбар бўлган тармоқ, вилоят, шаҳар, туман, маҳалла, корхона ва хўжаликларда ишлар кўнгилдагидек бўлиб, натижалар кўпчиликни хурсанд қилмоқда.

Аммо, кейинги пайтларда қатор жойларда нолойиқ раҳбарларни ишдан четлатиш, жазолаш, ҳатто жавобгарликка тортиш ҳоллари содир бўлаётганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Чунки, юксак ишончни оқламаганларнинг бири эскича ўйлаб, эскича ишлаб, эскича яшашга ўрганган, иккинчиси, ислоҳотларни амалга оширишни ташкил этишга қодир бўлмаган, яна бошқаси эса ўз нафсини тияолмаган одамлардир. Бу ерда шундай савол туғилади: қандай қилиб бундайлар масъул вазифаларга кўтарилдилар?! Ахир, уларни тавсия этган ёки сайлаб қўйишда иштирок этганлар орасида партиямиз аъзолари ҳам бўлганларку! Бундан ташқари, жиддий қусурларга йўл қўйганларнинг ўзлари ҳам ХДП сафларида бўлган эмасларми?

Шунинг учун, кадрлар масаласида хато ва камчиликлар содир бўлганда биз ўзимизни олиб қочмаслигимиз, партиямиз аъзоси бўлган ёки бошқа раҳбарларнинг ишига кўмаклашишимиз, тақдири ҳақида қайғуришимиз, уларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари учун маънавий масъулиятни сезишимиз даркор.

Сиёсий партия хоҳлаган пайтида ходимларни раҳбарликка кўтариб, хоҳлаган пайтида уларни ишдан олиб ташлаган вақтларни кўп қайтаётган кишилар орамизда йўқ эмас. Шу билан бирга, партиямиз кадрларининг турли давлат ва бошқарув идораларига ишга ўтаётганлигини кўриб, «кадрларимиз кетиб қолмоқда», деб афсусланаётганлар ҳам орамизда топилиб қолмоқда...

Бундай нуқтаи назарларнинг хато эканлиги кўпчиликка аён бўлса керак! Партиямиз давлат, бошқарув, хўжалик ишларига бевосита аралашмайди. Модомики, унинг дастурий ғояларини рўёбга чиқаришнинг бош воситаси — Ўзбекистон ХДП аъзоларини ҳокимият тузилмаларига тавсия этиш экан, партиямиз, унинг маҳаллий ташкилотлари ушбу масала билан жиддий шуғулланишни давр талаблари даражасига кўтаришга мажбурдирлар.

Бунинг учун раҳбар ходимлар заҳирасини шакллантиришда давлат идораларига ёрдам бериш, ёш кадрларни ўстириш, тарбиялаш ва тавсия этишнинг тизимини вужудга келтириш, партия тузилмаларидаги масъул лавозимларга лаёқатли, изланувчан, ҳаракатчан ёшларни жалб қилиш талаб қилинади.

Ўртоқлар! Хулоса қилиб айтиш керакки, Мустақиллик эълон қилингандан буён ўтган давр ичида қилинган меҳнатлар зое кетмади. Ҳуқуқий, демократик, қудратли давлат пойдеворини қуриш кенг қўламларда олиб борилмоқда. Ислоҳотларни чуқурлаштириш натижасида бозор муносабатларига асосланган, жаҳон хўжалигига юз тутган янги иқтисодиёт вужудга келтирилмоқда. Кишиларнинг мулкка, меҳнатга муносабатларида бурилиш содир бўлмоқда.

Истиқлол маънавияти шаклланиши жараёнида кишиларимизда Она заминни эъзозлаш, унга хизмат қилишни фарзандлик бурчи, деб ҳисоблаш фазилатлари, жамиятимизда меҳнатсеверлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик ғоялари билан йўғрилган янги миллий истиқлол маданияти вужудга келиб, у одамлар онгидан эски мафкуравий ақидаларни сиқиб чиқара бошлади. Раҳбариятимизнинг ақл-заковат билан изчил олиб бораётган сиёсати туфайли юртимизда тинчлик, осойишталик, тотувлик қарор топди. Ўзбекистон халқаро майдонда дадил қадамлар ташламоқда ва ўзининг тинчликсевар, ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорловчи ташаббуслари билан бутун дунёга танилмоқда.

Лекин, рўй берган ижобий ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқлар, айтиб ўтганимиздек, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларимизнинг дебочасидир. Олдинда бизни улкан тарихий вазифалар, мураккаб муаммолар, янги довонлар кутмоқда. Биз уларни ўз кучимиз, имконият ва ақл-заковатимизга таянибгина ҳал этишимиз мумкин. Зеро, хориждаги дўстларимиз маслаҳат, тажриба, технология билан ёрдам беришлари мумкин, холос. Ишни эса ўзимиз бажаришимиз, меҳнатни ўзимиз қилишимиз керак.

Ҳар қандай катта ишда бўлганидек, янги Ўзбекистонни бунёд этиш жараёнида ҳам камчилик ва нуқсонлар, турли муаммолар учраб туради. Биз бундан чўчимаслигимиз, асло довдираб қолмаслигимиз, аммо, қийинчиликлардан ҳам кўз юммаслигимиз, қусурлардан сабоқлар чиқаришимиз, муаммоларни донолик билан ҳал этишимиз лозим.

Мустақиллик фарзанди, жамиятимизнинг етакчи сиёсий кучи — Ўзбекистон Халқ демократик партияси замон талаби, истиқлол масъулиятига муносиб бўлгандагина у ўзининг тарихий вазифасини шараф билан адо этиши мумкин.

Келинглар, Ўзбекистон шу табаррук заминда яшаётган ҳамма инсонлар учун ягона ва муқаддас Ватан, уни равнақ топтириш, шон-шуҳратини ошириш эса ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз, деган олижаноб ғоя асосида халқимизни улуғвор мақсад

**Миллий ғуруримиз, мустақиллигимизнинг муҳим таянчларидан бири бўлган ўзбек сўмининг қадр-қимматини ошириш учун зарур тадбирлар ҳақида сўзлашдан олдин Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишдаги ўзига хос йўлининг афзаллиги тўғрисида тўхтаб ўтмоқчиман. Маълумки, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришиш ҳеч қаерда осонликча бўлмаган. Унга эришган ҳар бир мамлакат ўзига хос тараққиёт йўлини излаган ва ўзига хос йўллар билан эришган. Ўзбекистон ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг бошқа мамлакатлар тўплаган тажрибаларининг ижобий томонларини инкор қилмаган ҳолда ўзига хос йўлини танлаб олди.**

Президентимиз И. А. Каримов асослаб берган мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтишнинг беш устуни ҳам Ўзбекистон ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, миллий манфаатлари, халқнинг миллий анъаналарини ҳисобга олиб белгиланган дир. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш учун танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан фарқли, сохта инқилобий сакрашларсиз, кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан маданиятли тараққиётга ўтишдан иборат. Бу йўлнинг тўғри эканлигини ҳозир қатор чет мамлакатлар давлат арбоблари, иқтисодчи олимлари тан олмоқдалар.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий устунларидан бири миллий валютамизни муомалага киритиш ҳам пухта ишланган дастурга асосан амалга оширилди. Миллий пулимизнинг қадрини ошириш учун уни муомалага чиқаришдан аввал қатор қарорлар қабул қилинди ва тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари», «Истеъмол моллари бозорини тўлдириш тадбирлари», «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва сўмнинг харид қувватини ошириш», шулар жумласидандир. Бу борада давлатимиз томонидан йигирмадан ортиқ дастурлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича фақат 1994 йилнинг биринчи ярмида 60 дан ортиқ қарорлар қабул қилинди. Бу ўринда Президентимизнинг 1994 йил 21 январида эълон қилинган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш» Фармонини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда Ўзбекистон иқтисодиётини ҳар томонлама ислоҳ қилиш халқ хўжалиги тизимини қайта қуришнинг муҳим йўналишлари кўрсатилган. Ушбу Фармоннинг бажарилиши сўмнинг қудратини ошириш йўлидаги муҳим тадбирлардан бири бўлади. Алоҳида таъкидлаш керакки амалга оширилаётган тадбирлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Масалан, 1992—1993 йиллар давомида 49 минг корхона ўз мулк шаклларини ўзгартирди: улардан 21,8 минги акционерлик жамияти, 8,6 минги жамоа мулки, 18,2 минги хусусий, 6,6 минги ижара корхоналарига айлантирилди. Булар эса республикада тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнатга бўлган муносабатларни ижобий томонга ўзгартириш, истеъмол моллари бозорини тўлдиришга хизмат қилувчи омиллардандир.

1994 йил 1 июлдан бошлаб ўзбек сўми муомалага киритилди. Бугунги кундаги асосий вазифа — миллий валютамизнинг харид қобилиятини барқарорлаштиришни таъминлаш, унинг қадрини ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам дунё миқёсида кўтаришдан иборат. Маълумки, сўмимиз асосида нафақат олтин заҳираларимиз, балки дунёга машҳур олтин конларимиз ҳам ётади.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, сўмнинг қадрини кўтаришда амалга ошириш зарур бўлган биринчи навбатдаги тадбирлар жумласига ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш борасидаги вазифалар киради. Ҳозирги даврда иқтисодиётни сифатли, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани такомиллаштириш керак.

Мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдаланиш, самарадорликни ошириш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини жаҳон андозаларига мослигини таъминлашни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Миллий валютамиз қадрини оширишда республика экспорт қобилиятини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда экспорт қобилиятини ошириш юзасидан талайгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, барча мулк шакларидаги корхоналарнинг экспорт фаолиятидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларга қатор имтиёзлар берилмоқда. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт товарлар камида 30 фоизни ташкил этган барча корхоналар даромад солиғини амалдагига нисбатан 2 баробар камайтирилган миқдорда тўлайдилар.

Бу борада Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Пухта ўйланган дастур асосида чет эл инвестицияларини жалб қилиш натижасида ҳозир Ўзбекистоннинг валюта-кредит ресурслари 1,3 млрд. доллардан ортиб кетди. Албатта, бу инвестициялар бир-икки йил ичида янги корхоналар, цехларни ишга туширишга, истеъмол бозорини сифатли, рақобатга бардош берадиган маҳсулотлар билан тўлдириш, натижада миллий пулимиз қадрининг кўтарилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Сўмнинг қадрини кўтариш, мамлакатнинг молиявий аҳволини соғломлаштиришда солиқ тизимини ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаражатларни қисқартириш ҳам катта аҳамиятга эга. Солиқ тизимини ислоҳ қилиш уни соддалаштиришни, янги капитал қўйилмалардан, инновация ва меҳнат фаолиятидан олинадиган солиқларни қисқартиришни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга кетадиган харажатлардан солиқ олмасликни ҳамда давлат мулкини сотиш ва ундан фойдаланишдан олинадиган бюджет даромадларини кўпайтиришни биринчи навбатда табиий ресурслар ва давлат корхоналарини сотиш, атроф-муҳитни ифлослантирувчи мулклардан олинадиган солиқларни оширишни кўзда тутиши лозим.

Бундан ташқари банк тизими ишини такомиллаштириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада республикада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 1994 йил 18 мартдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари» ҳақидаги қарори катта аҳамият касб этади. Қарор ўзбек валютаси қадр-қимматини оширишда қатор тадбирларни ўз ичига олади. Чунончи, «Ўзжамғармабанк»га кредит-молия муассасаси мақомини бериш ҳам юқоридаги вазифани амалга оширишга хизмат қилади.

Албатта, миллий валюта қадр-қимматининг ортишига унинг ташқи бозорда эркин муомалада бўлиши билангина эришиб бўлмайди. Бунинг учун кўп вақт талаб этувчи тадбирларни амалга ошириш керак. Масалан, ишлаб чиқаришни доимий равишда ўстиришга бирданига эришиб бўлмайди, бунинг учун вақт керак.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, иқтисод ҳақида умуман тушунгача эга бўлмаган баъзи «сиёсатчилар» ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар бозор муносабатларига жуда тез ўтганлар, деб АҚШ, Япония, Германия каби мамлакатларни мисол қилиб кўрсатадилар. Аслида АҚШда 1932 йилда бошланган «буюк инқироз» давридан Ф. Рузвельт Президент бўлиб, чуқур иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириши натижасида иқтисодиёт ўса бошлаган давригача ўн йилдан кўп вақт кетган.

Мен 1990 йилда Италиянинг Турин шаҳрида дунёга машҳур «Фиат» корпорацияси томонидан уюштирилган анжуманда қатнашганман. Шунда Россиянинг етакчи иқтисодчи олимларидан бири П. Бунич туриб, «Биз «фалаж терапияси» асосида рублни конвертирлашни 1,5—2 йилда амалга оширамиз»,— деб айтди. Шунда «Фиат» концернининг бошлиғи Жованни Анъелли ҳайратга тушиб шундай деди: «Жаноб Бунич, биз Италия лирасини ташқи бозорда, эркин муомалада бўлиши учун 20 йилга яқин вақтни сарфладик. Сиз мўъжиза яратамиз деб хато қиляпсиз».

Шунинг учун Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга ўйламай-нетмай баҳо берувчи баъзи «сиёсатчилар» тарихга очиқ кўз билан қарасалар шу нарса яққол кўринадики, деярли барча давлатлар миллий пулини муомалага чиқариб, унинг ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топишига эришишда катта қийинчиликларга дуч келган ва бу жараён бир-икки йилда амалга ошмаган. Бунга дунёда машҳур миллиардер Ж. Аньеллининг юқорида келтирилган фикри мисол бўлади.

Кези келганда қуйидагилар тўғрисида ҳам ўз фикримни билдириб ўтмоқчиман. Биринчидан: сўм-купон муомалага киритилганда ҳам баъзилар нега Ўзбекистон ўз пулини чиқармайди, деб даъво қилди. Лекин улар халқимизнинг «етти ўлчаб бир кес», деган оқилона гапини мутлақо эсларидан чиқариб қўйган эдилар. Шошмашошарлик натижасида бажарилган ишнинг оқибати яхши бўлмайди. Бунга баъзи Ҳамдўстлик мамлакатларида шошмашошарлик билан чиқарилган пулларнинг қадри пасайиб кетиши мисол бўла олади.

Иккинчидан, ўзбек сўми муомалага чиқарилгандан сўнг у ер-бу ерда «миш-мишлар» эшитилиб қолмоқда. Қайсики, ўзбек сўми вақтинчалик чиқарилган эмиш. Маълум вақтдан сўнг янгиси чиқарилармиш. «Миш-миш»чилар билиб қўйсинки, сўмимиз ҳаётийдир. У халққа узоқ вақт хизмат қилиш учун чиқарилган. Унинг умри боқий бўлиши ҳар бир ватандошимизга боғлиқ. Учинчидан, ўзбек сўми устидаги яна бир «миш-миш» шундан иборатки, нега унда ҳеч кимнинг сурати йўқ. Баъзи бир «сиёсатчи»ларнинг айтишича, унинг сабаби сўмнинг вақтинчалигидир. Сўмда ҳеч қандай одам суратининг йўқлигига қатор сабаблар бор. Масалан, тарихий тараққиётимизга назар ташласак, ҳеч қачон пулимизда ҳеч қандай сурат тасвир этилмаган.

Миллий валютамиз қадрини ошириш аҳоли ижтимоий ҳимояси билан уйғунлаштирилиб олиб борилаётганлигини алоҳида кўрсатиш лозим. Мамлакатимизда МДҲ давлатлари каби барча озиқ-овқат маҳсулотлари нархи эркин қўйиб юборилмади. Бизда халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари нархи бюджет танқислигига қарамай давлат томонидан ушлаб турилибди ва уларнинг маълум қисми меъёрланган. Бу давлатимизнинг ижтимоий жиҳатидан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш йўлида аҳоли манфаатларига мос мустақил иқтисодий сиёсат юритаётганидан далолат бериб турибди.

Мустақиллик ширин сўзгина эмас, балки масъулият ҳамдир. Шу нуқтаи назардан ўзбек сўми қадр-қимматини кўтариш, фақат Президент, республика раҳбариятининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчи, виждони ва вазифасидир. Ўзбекистоннинг тараққиёти унда яшовчи ҳар бир кишининг ғайрат-шижоатига, фидокорлигига, меҳнатсеварлигига боғлиқ. Биз АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлар фуқаролари сингари ўз давлатимиз, ўз пулимиз билан фахрланишимиз лозим. Бу сўмимиз қадрини оширишда катта омил бўлади. Мен кўп давлатларда бўлганман. Масалан, Саудия Арабистонида бўлганимда дўконда бирон нарса харид қилиш учун доллар узатсам сотувчи: «Жаноб, иложи бўлса реал беринг», Жанубий Кореяда «вонг», Италияда «лира беринг» деган. Шу сабабли миллий пулнинг қадрини оширишда халқнинг унга нисбатан бўлган ишончи, ҳурмати муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, миллий пул қадрини ошириш мураккаб, маълум вақтни талаб қилувчи жараён. Бу вақтда одамлар ўртасида турли тушунмовчиликлар, ҳадиксирашлар, муаммолар вужудга келиши табиий. Шу сабабли бу борада халқ орасида тушунтириш ишлари олиб борилиши лозим. Халқимизда «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган нақл бор. Шунинг учун бу нақлга риоя қилиб шу соҳанинг мутахассислари корхоналар, маҳалла йиғинларида тушунтириш ишлари олиб борсалар ёмон бўлмасди. Бу ўринда диний ташкилотлар, масжидлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Кези келганда шуни айтиш лозимки, улар минг йилдан ошиқ вақтдан бери мусулмонлар онгига сингиб кетган савдогарлик қоидаларини тарғиб қилсалар савобдан ҳоли бўлмасди. Масалан, бугунги кунда республикада тижоратчилик кенг ривожланмоқда. Лекин айтиш лозимки, кўпгина тижоратчилар фойда кетидан қувиб, унинг даражасини ҳаддан ошириб юбормоқдалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, биз бошимиздан анча қийин даврни кечиряпмиз. Чунки, Ўзбекистон мустақилликка эришганда унга собиқ СССРдан асосан эскириб қолган техника билан жиҳозланган корхоналар, хом ашё етказиб беришга мўлжалланган саноат, кўп жиҳатдан марказ бойруғи билан барпо қилинган халқ хўжалик тизими мерос бўлиб қолди.

Булар эса бозор иқтисодиётига ўтишдаги муаммоларимизни янада қийинлаштирди. Лекин истиқлолнинг ўтган уч йили ичида республикамизда бозор муносабатларини шакллантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Миллий валютамизнинг муомалага киритилиши ана шу йўлда қўйилган муҳим қадам бўлди. Мен аминманки, сўмимиз қадрли бўлади. У билан халқимиз ғурурланиб юради.

**Омон ҲИКМАТОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисодиёт институти директори, Фанлар академияси мухбир аъзоси.**

# СЎММИЗ ҚАДРЛИ БЎЛАДИ

## Комил ҒОФУРОВ

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Комил Ғофуров 45 ёшида тўсатдан вафот этди.

К. Ғофуров 1949 йилда Тошкент вилоятининг Тошкент туманида таваллуд топди. Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлагандан сўнг меҳнат фаолиятини ички ишлар бошқармасида оддий терговчиликдан бошлаб, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи лавозимигача бўлган ғоят масъулиятли ва шарафли йўлни босиб ўтди.

Ички ишлар академиясида таҳсил олган К. Ғофуров чуқур назарий билимга, катта ҳаётий тажрибага эга эди.

К. Ғофуров жиноятчиликка, айниқса, унинг ўюшган турларига қарши муросасиз кураш олиб бориб, пойтахтимизда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг тинч-осойишта яшашини, меҳнат қилишини таъминлашга катта ҳисса қўшди. У милиция кучларини моҳирона бошқара олар, муаммоларни ечишда аҳоли билан, турли идора ва хўжалик раҳбарлари билан бамаслаҳат иш олиб борарди.

К. Ғофуров Ўзбекистон мустақиллигига садоқат билан хизмат қилди. Ички ишлар идораларида бенуқсон ва ҳалол меҳнати учун қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ажойиб инсон, қонунчиликни мустаҳкамлашнинг толмас курашчиси, милиция генерал-майори К. Ғофуровнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

**И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, А. МУТАЛОВ, Т. АЛИМОВ, Б. ҒУЛОМОВ, Ғ. АЛИЕВ, З. АЛМАТОВ, Р. АҲМЕДОВ, К. ТУЛАГАНОВ, Т. ХУДОЙБЕРГАНОВ.**


**ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ!**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги 290-сонли «Тошкент шаҳрида аҳолига нақд пулга автобензин сотувчи айрим ёнилғи қуйиш шахобчаларини тажриба тариқасида хусусийлаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республикада биринчи марта автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаларининг ким ошди савдоси бўлиб ўтади.**

**Савдога Тошкент нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасининг 118-, 73-АЁҚШлари қўйилмоқда.**

**118-АЁҚШ**

**Юнусобод туманидаги Муродов кўчасида жойлашган Бошланғич баҳоси — 850 минг сўм.**

**73-АЁҚШ**

**Юнусобод мавзесининг 18 кварталига қарама-қарши Бўзсув дарёси ёнидан ўтувчи Тошкент айланма автомобиль йўли ёқасида жойлашган.**

**Бошланғич баҳоси — 950 минг сўм.**

**АУКЦИОНДА ҚАТНАШИШ ВА ТЎЛОВ ҚОИДАЛАРИ**

**Аукционда қатнашувчилардан қуйидагилар талаб қилинади:**

**— аукционда қатнашиш учун махсус ариза;**

**— хусусийлаштирилган АЁҚШнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдорида товон пули Республика кўчмас мулк биржасига Марказий банкнинг Турон бўлими АК «Ўзинвестбанк» р/с 002467565 МФО 1726 49149 Корреспондент ҳисоби 700161115 ҳисобига ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан кўчирма;**

**— давлатга қарашли бўлмаган юридик шахслар учун рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;**

**— жисмоний шахслар учун паспорт;**

**Ғолиб олди-сотди ҳақидаги шартнома тасдиқлангандан бошлаб, бир ой мобайнида сотиб олинган объект ҳақини тўлиқ тўлаши шарт.**

**Тўлов тури ихтиёрий.**

**Ҳоҳловчилар доимий фаолият кўрсатувчи аукцион ўтказиш комиссияси томонидан берилган йўлланма орқали объект билан танишишлари мумкин.**

**АУКЦИОН 1994 ЙИЛ 14 СЕНТЯБРЬ КУНИ СОАТ 10.00 ДА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ЗАЛИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ҳ. Олимжон метроси, Маяковский кўчаси 6-уй («Боғи эрам» сайилгоҳи яқинида).**

**Аризалар 1994 йил 11 сентябрга қадар Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6-уй, 319 — 302-хоналарда қабул қилинади.**

**ТЕЛЕФОНЛАР: 39-45-46, 39-14-64, 39-11-95.**

**«ВИДЭЛ»**
**ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ САЙЁҲЛИК БЮРОСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ АЙЕМИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ ВА БАЙРАМ КУНЛАРИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ УЧУН ТОШКЕНТ БЎЙЛАБ БИР КУНЛИК САФАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ. УШБУ ҚИЗИҚАРЛИ САФАР ЧОҒИДА ШАҲАР БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШ, ТЕЛЕМИНОРАДА, РЕСТОРАН ВА ҚАҲВАХОНАЛАРДА БЎЛИШ МУМКИН.**

Шунингдек, Тошкент аҳолиси учун: шаҳар бўйлаб экскурсиялар ташкил этилади, ресторанларга таширриф билан биргаликда;

— Туркистон, Шоҳимардон шаҳарларидаги муқаддас зиёратгоҳлар бўйлаб сафарлар;

— Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Урганч шаҳарларига сафарлар;

— Алмати, Панфилов шаҳарларига чоршанба ва жума кунлари тижорат сафарлари.

Оқтош оромгоҳига даволаниш билан биргаликдаги 12 кунлик йўлланмаларни таклиф этамиз. 27 август, 9 ва 22 сентябрь кунларида кетилади.

Ҳақ тўлаш — исталган шаклда.

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 2 («Баҳор» ресторани ва Тўйтепа автостанцияси ўртасида).**

**ТЕЛЕФОН: 33-36-68.**

АСТАНА МОТОРС
ASTANA HOLDING
KAZAKH MOTOR COMPANY

# АСТАНА — МОТОРС

## ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИНГИЗ КАТТА

TOYOTA | NISSAN | HONDA | VOLVO



ВАЗ | ВОЛГА | KAWASAKI | ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР
ГАЗ, КАМАЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ АВТОМАШИНАЛАРИ УЧУН

ЭНГ ЯХШИ МОТОР ВА ТРАНСМИССИЯ МОЙЛАРИ
МАХСУС МАҲСУЛОТЛАР
АВТОКОСМЕТИКА
Castrol

МАШҲУР АВТОПОКРИШКАЛАР
GOODYEAR

| | |
|---|---|
| 185/65 R15 | 235/60 R15 |
| 195/65 R15 | 235/75 R15 |
| 195/60 R14 | 225/65 R16 |
| 205/60 R14 | 185/R14C |
| 225/60 R15 | 205/60 R16 |

Хақ тўлаш—тенгеда, Қозоғистон Республикаси Валюта Биржасининг курси бўйича.
Ҳисоб-маълумотнома бепул. TOYOTA автомобиллари учун кафолат – 18 ой ёки 50.000 км.

Марказий автосалон: Алмати шаҳри, Сатпаев кўчаси, 11. Тел. (3272) 65.05.29. Факс (3272) 65.15.29. TOYOTA
Автосалони: Алмати шаҳри, Қозоғистон давлат цирки. (3272) 47.04.41

МИНТАҚАВИЙ ДИЛЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ !
ТЕЛ. (3272) 65.05.29, ФАКС (3272) 65.15.29

# КЎЧМАС МУЛК—БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР!

**УНИНГ СОҲИБИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ, Хоразм вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ХИВА ШАҲРИДА 29 АВГУСТДА ўтказадиган кўчмас мулк бўйича КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!**

**Савдога қуйидагилар қўйилади**

**«НАВРЎЗ» ЧОЙХОНАСИ**
Урганчдаги оромгоҳда жойлашган, 1990 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.
**Бошланғич баҳоси — 135 минг сўм.**

**«ЛОТОС» ЧОЙХОНАСИ.**
Урганч туманида жойлашган. Бир қаватли, 1990 йилда хом ғишт ва монолит темир бетондай қурилган.
**Бошланғич баҳоси — 300 минг сўм.**

**ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИНШООТ.**
Урганч шаҳридаги Хонқа кўчасида жойлашган.
**Бошланғич баҳоси — 110 минг сўм.**

**ҲАММОМ.**
«Хива» жамоа хўжалигида жойлашган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган усти темир бетон қопламали иншоот.
**Бошланғич баҳоси — 120 минг сўм.**

**ҲАММОМ.**
Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида жойлашган.
**Бошланғич баҳоси — 136 минг сўм.**

**ҲАММОМ.**
Хива туманидаги бир қаватли бино. Пишиқ ғиштдан қурилган, усти темир бетон қопламадан иборат. Қозонхонаси бор.
**Бошланғич баҳоси — 100 минг сўм.**

**ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ТЕМИР БЕТОНЛИ БИНО.**
Ҳазорасп туманидаги марказида жойлашган. Эгаллаган майдони — 6000 кв. м.
**Бошланғич баҳоси — 180 минг сўм.**

**«ХОНҚА» МЕҲМОНХОНАСИ.**
Силикат ғиштдан қурилган, усти темир бетон қопламадан иборат, икки қаватли бино.
**Бошланғич баҳоси — 200 минг сўм.**

**ҲАММОМ.**
Хонқа туманида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган икки қаватли бино.
**Бошланғич баҳоси — 100 минг сўм.**

**МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ.**
«Ғалаба» жамоа хўжалигида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган бир қаватли бино. Канализация тизими марказлашган.
**Бошланғич баҳоси — 25 минг сўм.**

**МЕҲМОНХОНА.**
Боғот тумани марказида жойлашган. 53 ўринга мўлжалланган икки қаватли бино.
**Бошланғич баҳоси — 120 минг сўм.**

**ТРАКТОР**
1994 йилда «Ташсельмаш»да ишлаб чиқарилган.
**Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.**

**МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
**(36222) 6-32-63, 6-81-66, 6-81-68.**
**(3712) 68-17-55, 68-44-56.**

• *Сиз севган санъаткор*

# КЎЗИМГА ҲОКИ ТУРОНИМ...

**Истеъдодли ҳофиз, халқаро Яссавий мукофоти соҳиби Бахтиёр Холхўжаев билан кўпдан танишмиз. Билганим у адабиётни, санъатни чин дилдан севади. Қўшиқларининг кўпи юрт, Ватан ҳақида. Ўзи эса давраларнинг гули. Қай бир соҳада бўлмасин, дилкаш суҳбатдош. Одамнинг кўнглини топа олади, кези келганда ўта камсуқум, камтар. Баъзан ўйлаб қоламан: санъат кишисига қандай ярашаркан бу хислатлар...**

**— Бахтиёр ака, кимларга ошно тутингансиз, қандай одамлар билан дўстлашгингиз келади?**

— Менга дили билан тили бир одамлар ёқади. Мисол, қўлидан келар-келмас ишларга ваъда бераверадиганлар ўзларини, ҳам бошқаларни бебурд қилишади. Бунақа «мардлик» ва «валломатлик»дан бировнинг обрўли бўлиб кетганини кўрмаганман-у, лекин кўплар азият чекиши аниқ.

**— Кўпинча, санъаткорнинг кўзга кўринишида қандайдир унутилмас бир воқеа туртки бўлади...**

— Менинг ҳаётимда бу воқеа 1972 йилда бўлиб ўтган. Тошкент маданий оқартув техникумини тугатиб, Самарқанд шаҳридаги маданият уйида ишлаб юрардим. «Марҳабо, талантлар!» телевизион кўригида қатнашиш насиб этди. Унда совриндор ҳам бўлдим. Шундан кейин Тошкентга, Ўзбек давлат филармониясининг «Шодлик» ансамблига ишга таклиф қилишди. Шу-шу катта саҳнага қадам қўйдик.

**Бахтиёр Холхўжаев... Унинг «Сен кутган баҳор», «Ғуллола», «Суратинг», «Ёшлигим» каби қўшиқлари томошабинлар қалбидан жой олганига қариб 10 йилдан ошди. Ҳофизнинг кейинги, ўзига хос ижодий фаолияти эса «Турон чечаклари» ансамбли билан боғлиқ.**

— Қўшиқ ҳамиша шеър билан ёнма-ён яшайди. Шу боис 1987 йилда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси адабиётнинг тарғиботи, халққа янада яқинроқ бўлишида санъат билан ҳамкор бўлишга қарор қилишди. Биргаликда ансамблни туздик. Бугун озми-кўпми элга ҳам, адабиётимизга ҳам хизмат қилиб келяпти.

**— Филармониядай катта бир ташкилотдан ҳали ташкил этилмаган ансамблга ўтишингизни ҳар ким ҳар хил баҳолаганди...**

— Ижодкор, санъат кишиси учун бу жойнинг ўзига яраша ижобий имкониятлари бор-да. Мисол, филармонияда дастур бўйича концертларда иштирок этасиз. Биз эса кўпроқ халқ билан юзма-юз бўламиз. Асосан ижодий учрашувларда қатнашамиз. Кишиларнинг руҳияти яқин, уларга қайси қўшиқ ёқяпти ёки ёқмаяпти — сезиб турамиз. Халқнинг талаби, эҳтиёжи, савиясини билиш жуда муҳим. Шу боисдан репертуарларимиз ҳам кескин ўзгарди — бундан хабарингиз бор.

**— Дарвоқе, бугун биз Сизни истиқлол куйчиси деб атасак муболаға бўлмайди. Чўлпон қаламига мансуб бўлган бир қўшиғингизни собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон радиосидаги айрим кишилар эҳтиёткорлик қилиб ўтказишмаганини ҳам эшитгандим...**

**Кўзимга ҳоки туроним,**
**озодлик гарди нимасму,**
**Бу кунлардан умид йўқму,**
**йўлларинг қаро тунмасму?**
**Қишанлар парчаланмасму,**
**қиличлар энди синмасму?**
**Истиқлолимиз шарофати**
**билан куйланаётган бу қўшиқларингизнинг аксариятига куйни ўзингиз басталамагансиз. Назаримда, бастакорлар бу мавзудаги шеърларга муносиб оҳанг топишда анча қийналишади...**

— Гап шундаки, менга аввало, қайси мавзуда бўлмасин, шеър ёқиши керак. Агар кўнглимга ўтирдими, ўқиётган мисраларимга оҳанг ҳам ёғилиб келаверади.

**— Ҳўжа Аҳмад Яссавий ҳазратлари ижодига кўп ихлос қўйишингизнинг боиси нимада?**

— Болалигимда, ҳали эсимизни таниб улгурмасимиздан отамиз бизга Ҳазратнинг ўгитларини ўқиб берардилар. Гоҳо тушунгандай бўлардик, гоҳида эса мағзига етмасдик ҳам. Аммо ўша эзгулик, меҳр-оқибатга ундовлар ҳали-ҳали қулоғимда. Энди дунёни англадик. Яссавийни танидик. Озми-кўпми ўқидик ҳам. Аслида ўша мурғак таассуротларнинг сақланиб қолгани ҳам бир бойлик экан. Қолаверса, ўша таассуротлар менинг Яссавий бобо билан «ижодий ҳамкорлик» қилишимга асосий

нисига етгандай бўламан. Она юрт, заминнинг қадрини туйгандек сезаман ўзимни. Бу фоний дунёнинг ўткинчи лаззатларидан ҳамиша устун турмоқ, ҳалол ва покиза, мард ва оқил, меҳрибон бўлмоққа йўл бор унинг ғазаллари да. Улар кўнгилни тозалайди. Ҳазратга катта ихлос қўйганим шундан бўлса керак. Ҳозирча ўндан ортиқ ғазалини куйга солдим.

**Ҳофиз тез-тез Яссавий ҳазратлари зиёратида бўлади. Баъзан илҳом, ҳам руҳан мадад олади. Бир ният қилиб юрибди, ул зотнинг ғазалларига басталанган ашулаларини унинг зиёратгоҳи қошида ижро этиб фильм қилмоқчи.**

**— Бахтиёр ака, Сизнинг ижодингиз ҳақида бир эмас, иккита фильм-концерт яратилди. Бундан ўзингизнинг кўнглингиз тўлдими?**

— «Бахтиёр» ва «Бахтиёр Холхўжаев куйлайди» деб номланган икки мусиқий фильмимиздан кўзлаган мақсадга эришдик, десам бўлади. Биринчисида кўпроқ маърифий аҳамиятга эга бўлган, юрт, истиқлол ҳақидаги қўшиқларимиздан фойдаланган бўлсак, кейингисида лирик тароналарни ижро этдик. Қолаверса, Зомин, Фориш ва Бахмал воҳаларидаги ҳушманзара, гўзал табиат манзараларининг аксариятини юртдошларимиз илк бор ана шу фильмлар орқали кўрдилар. Аслини олганда баҳони уларнинг ўзлари беришгани маъқул.

**— Эстрада санъатига муносабатингиз қандай?**

— Бу ҳам санъатдаги мукаммал бир жанр. Унинг ўзига яраша мураккаб талаблари бор. Бугун «замонавий» гуруҳлар ижро этаётган қўшиқларни эса «эстрада» деб айтишга тил бормайди. «Ялла» ансамбли, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, Кумуш Раззоқова каби ўзбек эстрадасининг юлдузлари борки, уларга ҳавас қилиш керак. Шу ўринда бир гап бор-да. Телевидениеда, матбуотда, қайси соҳанинг тарғиботи кучли бўлса, ўша соҳага қизиқиш кучаяди. Назаримда, миллий ўзбек санъатининг бугунги кунда тарғиботи етарли эмасдек. Йўқса, соф ўзбек миллий мусиқаларимиз ҳар қандай ғарбона ва шарқона оҳанглардан нусха олиб яратилаётган «замонавий» қўшиқларга қараганда халққа яқин, ҳам қадрли. Гап шундаки, «эстрада» деб тинглаётганимиз — куйлашаётганининг қайси жанрга мансублиги ҳам ноаниқ.

**— Шу ўринда ҳофизлар, баъзан бир авлод санъаткорлар ҳақидаги ҳар хил гап-сўзларга муносабатингизни билдирсангиз.**

— Қўшиқчиларнинг аслида бир-биридан ками йўқ. Мен шундай баҳолаш тарафдориман. Тўғри, қандайдир ҳасадми, кўра олмасликка ўхшаш бир нарсами, сезилиб қолади баъзан. Аммо бу юзаки қараганда шундай. Аслида қалбан санъаткор ҳамиша санъаткор билан дўст. Зеро, унинг кечинмалари, касбий қийинчиликлари яқин. Ўзим ҳеч бир ҳофиз ё созандадан шундай салбий муомала кўрмаганман. Баъзан танқид қилишади — хурсанд бўламан. Бу уларнинг мен учун куйинишлари деб тушунаман. Умуман, қандайдир Ҳофизлар уюшмасими, иттифоқими тузиш лозим шекиллида. Ҳарқалай гап-сўз камаяди, баъзан санъаткорнинг нотўғри, нолойиқ ишлари муҳокама қилиб турилади.

**— Бахтиёр ака, Сиз санъат билан адабиётга ҳам, яъни маънавиятнинг юксалишига хизмат қилиб келяпсиз...**

— Аслида санъаткор, ашулачи ҳам маънавият одами. Чунки ҳар бир қўшиқ, шеърнинг ғояси, чорлови бўлади. Олайлик, эзгуликка, муҳаббатга ё Ватанни севишга. Санъаткорнинг дил муддаоси эзгулик, яхшилик. Халқнинг руҳияти, тарихи, бугунидан воқиф бўлмаган ҳофизнинг қўшиғида маъни кам бўлади.

Президентимизнинг қайси бир йиғилишда куйиниб гапирганини телевизорда кўргандим. Ўшанда у «Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Ватан менга нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим, деб яшаши керак» деганди. Назаримда, ушбу сўзлар бу тоифа саволларнинг ҳақ жавоби.

**Ҳофиз хонадони тўрида падари бузрукворн Холхўжа бобонинг каттакон сурати. Фарзандлари ҳамиша у билан фахрланишади. Унга муносиб бўлишни бурч билишади. Жумладан, Бахтиёр Холхўжаев ҳам.**

**Суҳбатимиз сўнггида ҳофизнинг янги қўшиқларидан эшитдик. Ҳўжа Аҳмад Яссавий ғазалига басталанган ашуласи унинг ўзига яраша эътиқоди, унвонидан далолат. Ҳикматлар эса онгу шуурримизга муҳрланди...**

**Қудрат бирлан фармон қилса Мавлон бизга,**
**Еру кўкда жонли махлуқ қолмас эрмиш.**
**Йўлбошчиси йўлни кўрган карвон бўлар,**
**Йўлни кўрмай сорбон қадам қўймас эрмиш...**

**Туроннинг ҳокини кўзига тутиё қилган Ҳазратдан руҳ олиб, ана шу замин хизматига бел боғлаган ҳофизни боболар руҳи ҳамиша қўллаб юрсин...**

**Ҳусан ЭРМУҲАММАД.**

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!*

# НОМУС ЎҒРИЛАРИ

Тенгдошлари сингари ширин орзулар оғушида юрган бу қизнинг исми-жисмига мос, лобар. Буни яхши билган қоракўллик йигит Шуҳрат Эрниёзов қиз йўлига тузоқ қўйиш пайида юрди. Қармоққа илинтириш режасини қариндошлари Худойберди ва Муҳиддин Раҳматов билан обдон тузишди: йўли — олиб қочиш, вассалом!

Ўтган йил 9 ноябрда бу қариндошларини танимайдиган, уларнинг жирканч режасидан бехабар Г. фабриканинг кечки сменасидан чиқди. Уйи яқин бўлгани учун ҳар галгидек дугонаси билан пиёда одимлади. «Овчи»лар ўнинчи ноябрга ўтар кечаси «ГАЗ—55» маркали —биқинига «Почта» деб ёзилган 27—76 БХО давлат рақамли — Муҳиддин Раҳматов бошқарувидаги машина билан фабрика яқинига келиб, қизнинг ишдан қайтишини кутишаётганини у қаердан ҳам билсин?

— Юрагим негадир ғаш, — деди дугонасига. — Тезроқ юрайлик.

Шу пайт қизлар йўлини тўсишди.

— Унисига индама, дўндиғининг қўлини қайир, — деди Шуҳрат «ови» бароридан келганидан хурсанд оҳангда.

Учаласи қизни машина кабинасига жойлашиб, жуфтакни ростлашди. Шуҳрат қизни Қоракўл туманида яшовчи қариндошининг уйига олиб келиб, Г. ни хотинликка рози бўлишга ундади. Аммо у етти ухлаб тушида кўрмаган бу йигитнинг афтига қарагиси келмасди. Шунда Шуҳрат қариндошлари кўмагида зўрлик билан шу куниёқ қизнинг номусига тегди.

— Номуси топталган қиз бу зулмга чидай олмай бизга мурожаат қилди, —дейди тажрибали ҳуқуқшунос, Олот тумани прокуратураси малакали терговчиси А. Раҳматов. — Қизнинг шаънини қонун ҳимоялайди, жиноятчилар эса жазосини олмоқда.

Хўш, ҳали ўн ғунчасидан бир ғунчаси очилмаган, воғага етмаган, номуси топталган ягона Г. ми? Нега Олотда баъзи қизлар шаънини булғаш камаймаяпти?

— Очиғини айтадиган бўлсак, туманда хотинликка қиз олиб қочиш илгари удум бўлган, —дейди туман прокурори М. Воҳидов. — Удумга асосан олиб қочувчи шу ишни қизнинг розилиги билан амалга оширган. Қизни олиб қочгандан сўнг никоҳ ўқилган, улар оила қуришган. Ҳозир эса тескариси бўляпти. «Иши битган» йигитлар олиб қочилган қизларга уйланишдан бош тортишади. Шу боис жиноий жавобгарликка тортиляпти улар.

Бу энг шармандали иллат. Ахир, эсли-ҳушли, келажакда оила сардори бўламан деган йигит бундай пасткашликка асло бормайди. Афсуски, баъзи оилаларда маънавий тарбияга етарли эътибор берилмаслиги, жойларда жамоатчилик таъсири сезилмаётгани оқибатида айрим қизларимиз чимилдиқ кўрмай бахтлари поймол этиляпти. Оила қуришдек, она бўлишдек буюк бахтдан мосуво бўлаётирлар, жиноятга қўл урган йигитлар эса айни кучга тўлаётган пайтини панжара ортида ўтказишга мажбур бўлаётирлар.

Қодиржон Раҳматов 1972 йилда Олот туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида туғилган. У танишлари Дилмурод ва Жаҳонгир Чориевлар билан акаси Нодиржонга хотинлик учун қиз ўғирлашда айбланади. Қариндошлар шу йил 2 май куни кечқурун оғир жиноятни содир этди. Улар 1977 йилда туғилган Ч.ни (у синфдошлар даврасидан кечқурун уйига қайтаётганди) куч ишлатиб ўғирлаб кетишади. Қодиржон бу жиноятни амалга оширишда отаси Тўхтамурод Раҳмоновга тегишли бўлган енгил машинадан фойдаланади. Қизни амакилари Жўрақул Раҳмоновнинг уйига олиб боришади. Учаласи Нодиржонга Ч.нинг номусига тегишига ҳаёсизларча кўмаклашишади...

Қани, улардаги йигитлик ор-номуси?! Бир қизнинг бутун умрини, бахтини оёқ ости қилиш ўз синглиси, онаси, опаси номусини оёқости қилиш билан тенглигини наҳотки улар тушунишмаса? Бундайлар инсонлик қиёфасини йўқотган, маҳлуқ билан баробар кимсаларки, улардан эл хазар қилади! Афсуски, Олот туманидаги лоқайдлик бу иллатнинг илдизига сув қуйяпти. Жойлардаги оқсоқоллар, уларнинг халқ маслаҳатчилари мудроқлик ва лоқайдликдан батамом қутулиб, ҳаётга ҳушёр кўз билан боқишлари, тарбиявий тадбирларни бекаму кўст амалга оширишлари жуда-жуда зарур!

Шуниси ачинарлики, ҳали айрим кимсалар ўзларини фоҳишабозлик, қўшмачилик, таъмагирликдан тия олмаяптилар. Бу ҳол, Ғиждувон туманида ҳам учраб турибди. Суюқоёқ аёллар ёш, вояга етмаган қизларни йўлдан оздириб, улар ҳисобига кун кўришни хуш кўрмоқдалар. Шулардан бири тумандаги «Оқолтин» жамоа хўжалигининг Оқработ қишлоғида истиқомат қилган Меҳринисо Ҳайдаровадир. У 1968 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламай тўйларда «раққоса»лик қилган, 2 нафар боласи бор. Эрсиз яшайди. Ахлоқий жиҳатдан кемтик бу аёл уйида кунаро «йиғин»лар бўлиб турган. Фоҳишалар учун бу қулай масканда айрим «йигит»лар ўз омадларини синаб ҳам кўрганлар.

Бултур августда Меҳринисонинг косаси чилпарчин бўлди. 19 августда унинг уйига дугонасининг қизи кириб келади. Қизни кўрган Меҳринисонинг чиройи очилади.

— Баракалла, қизим, — дейди у қизга меҳрибонлик кўрсатиб, — Агар айтганларимни қилсанг, яхши кийим-кечак олиб бераман, созандаликка ўргатаман, хўпми?

Ҳали вояга етмаган қиз «холаси»нинг мурувватига қулоқ тутади. Меҳринисо суюқоёқларга жазман бўлганларни чамалаб кўради: қайсинисининг қўли очиқ бўлса, бу олмача ўшаники бўлади! Ўйлаб қараса, «хотамтойлик»да таниши Тожи Жумаевдан ўтадигани йўқ. Қизни унга тортиқ қилади. Бунинг эвазига ундан 10.000 сўм-купон ва бир шиша арақ олади. Ишни охиригача етказиш ва жиноят изини йўқотиш учун ўз фаолиятига жияни Неъмат Нарзиевни ҳам жалб этади. Афсуски, у ўйлагандек бўлмайди. Тожи Жумаев қизчанинг номусига текканини қўшниси сезади. Хуллас, сир ошкор бўлади...

**Қўшмачи ҳам, номус ўғрилари ҳам қилмишларига яраша жазоланадилар. Ўртада номуси топталган, бахти қароларга қолган. Улар эл орасида қандай бош кўтариб юрсин? Баъзан шу ҳақда ўйласак, наслимиз бутлиги, софлиги, миллатимиз ғурурига рахна солувчиларга ҳозирги қўлланилаётган жазо чоралари етарлимикан, деган хаёлга толамиз. Бу ҳақда сиз нима дейсиз, азиз муштарий?**

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

• *Спорт*

## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАВРА БОШИДА

**Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг иккинчи давра ўйинлари бошланди.**

16-тур учрашувларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Трактор» — «Чирчиқ» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Сурхон» — 3:2, «Темирйўлчи» — «Гулистон» — 2:0, «Наврўз» — «Нефтчи» — 0:2, «Навбаҳор» — «Атласчи» — 7:0, «Политотдел» — «Пахтакор», «Янгиер» — МХСК, «Нурафшон» — «Орол» жамоаларининг учрашувлари бошқа муддатга кўчирилди. Ҳозир «Нефтчи» 29 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Нурафшон» ҳисобида 24 очко бор. «Политотдел» ва «Темирйўлчи» футболчилари 20 тадан очко тўплашди. «Навбаҳор» 19 очко билан 5-ўринда турибди. МХСК, «Пахтакор» ва «Сўғдиёна» жамоалари 18 тадан очко жамғаришган.


ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.




BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зararлидир!


# ЗОМИН ҚЎРИҚХОНАСИДА

**Зомин халқ боғининг табиати ниҳоятда гўзал ва фусункор. 30 минг гектардан иборат жойни эгаллаган унинг ҳудудида сарвиқор тоғлар, ўнлаб ўйнри ва майда сойлар, шифобахш булоқлар, қайнзорлар, хандон писта ўрмонзорлари, майжунжон, бўвойи олма, нок дарахтлари, бошқа нодир шифобахш ўсимлик ва ўтларни учратиш мумкин. Зомин ҳавоси ўзининг минг дардга даволиги билан ҳатто машҳур Кисловодскиқидан устун туради.**

**Шунинг учун ҳам бу ерда катта-катта майдонлар меҳнаткашларнинг дам олиши учун ажратилган. Турли санаторийлар, дам олиш масканларига йил бўйи минглаб кишилар ўз соғлиқларини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун келадилар.**

**Зомин қўриқхонаси билан бу ерликлар алоҳида фахрланишади. 1926 йилда ташкил этилган қўриқхонада қоплон, айиқ, тоғ эчкиси, бургут, қора лайлак, каклик ҳамда бошқа кўплаб нодир ҳайвонларни учратиш мумкин. Қўриқхона ходимлари уларнинг табиат қўйнида бемалол яшаб кўпайишлари учун барча шароитларни яратишган.**



**Суратларда: 1. Қўриқхона экологи Мамат Ғайбуллаев, Жиззах вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Абдумуталип Алибеков, инспектор Давлат Пардаевлар. 2, 3. Зомин қўриқхонаси табиати мана шундай гўзал.**

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**


МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.30
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. Л23456.